

ҚОРАМОЛЛАРНИ ҚОН-ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАРИДАН АСРАШ БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОСИ

Дўскулов Воҳиджон Мухитдинович
в.ф.н., в.в.б., доцент

Юнусов Худайназар Бекназарович
Илмий раҳбар-, б.ф.д., профессор
Самарқанд, Ўзбекистан

Аннотация. При лечении тейлериозе узбикарб в комплексе делагиллом, сульфантролом или бутачем, тейлексом, бупаконом, телемаксом в дозе по 5,0 мл на 100 кг живой массы животных дважды с интервалом 24 часа. С профилактической целью применяют полиамидин-п и жидкую культуральную вакцину.

Ключевые слова: тейлериоз, бабезиоз, анемия, бутачем, тейлекс, бупакон, телемакс, полиамидин, паразит.

Summary. For the treatment theileriosis uzbekarb in complex delagilom, sulfantrol or butachem, teyleks, bupakon, telemax at a dose of 5,0 ml per 100 kg weight lived animals twice with an interval 24 hours. With prophylactic whole poliamidin and liquid vaccine culture.

Key words: cattle, theleirosis, babezioza, anemia, butachem, teyleks, bupakon, telemax, poliamidin, parasite.

Мавзунинг долзарблиги. Республикамиз мустақилликга эришгач, кўпгина соҳалар каби чорвачилик соҳасида ҳам кенг ислоҳотларни амалга оширди. Жумладан ветеринария ва чорвачилик соҳасида ҳам муайян ютуқларга, республикамиз худудига четдан кириб келиши хавфи бўлган турли хил юқумли-юқумсиз ва паразитар касалликларни олдини олиш ва тизимли тадбирларни йўлга қўйилишига эришилди.

Мамлакатда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг замонавий усуллари кенг жорий этиш, бу орқали кўшилган қиймат занжирини яратиш, чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ҳамда қорамолларнинг протозой касалликлари ва уларга қарши курашишда даволаш, профилактик чора-тадбирлари ишлаб чиқиш ҳамда уни ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022–2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-120-сонли қарори ушбу вазифани бажаришда дастур амал бўлиб хизмат қилади.

Мазкур вазифаларни бажаришда чорва молларининг қон-паразитар касалликларига қарши чора-тадбирларини маҳаллий хом ашёлардан яратилган дори-дармонлар асосида такомиллаштириш, ҳамда мазкур йўналишда тубдан янги услуб воситаларини ишлаб чиқиш муҳим муаммолар сарасига киради.

Қорамолларнинг қон-паразитар касалликлари ўткир оқимда кечувчи, патогенезида интоксикация, анемия, ориқланиш, қон айланиш ва нафас олиш системалари фаолиятининг бузилиши каби клиник белгилар намоён бўладиган трансмиссив касалликдир. *H.anatolicum* ва *H.detrutum* касаллик тарқатувчи каналар ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ҳам қорамолларнинг қон-паразитар касалликлари кенг тарқалган. Бу касалликка чалинган моллар ўз вақтида махсус дорилар билан даволанмаса унинг 80-90% нобуд бўлади ва қолган 10-20% ишлаб чиқаришда яроқсиз бўлиб қолади.

Қорамолларнинг қон-паразитар касалликлари ичида энг оғир кечувчиси бу тейлериоз касаллигидир.

Кана чакқандан сўнг 16-20 кунлари молнинг тана ҳарорати $41,2-42,0^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиб иштаҳаси йўқолади, қавш қайтармайди, йўталади, ташки лимфатик (курак олди, сон ва елин усти) безлари 3-4 баробаргача катталашганлиги кўзга ташланади ва пайпаслаганда оғриқ сезилади. Юрак-қон томир фаолияти сустлашади, камқонлик ва интоксикация натижасида шиллиқ пардалар сарғаяди, қон қуйилишлар, қовоқнинг шишиши ҳамда кўздан ёш оқиши кузатилади. (1-расм). Мол ориқлаб кетади, сигирлар сут бермай қўяди, бўғозлари кўпинча бола ташлайди.



1-расм. Тейлериоз билан касалланган мол ҳолати

Қорамолларни қон-паразитар касалликлардан даволашда, даволаш ишларини олиб боришдан олдин уларни салқин ва осойишта жойга ўтказиш

лозим. Уларга енгил ҳазм бўладиган барра ўт, майдаланган лавлаги, эндигина соғилган сут, омихта ем қўшиб атала ҳолида берилиши лозим.

Тейлериозни профилактика қилиш.

Тейлериознинг профилактикаси ҳайвонлар организмини касалликка қарши табиий чидамлик қобилятини оширишга асосланган махсус тадбирларни ишлаб чиқариш, касаллик қўзғатувчиларини тарқатувчи каналарга қарши курашиш ва қорамолларнинг тейлериялар билан зарарланиш йўллари бартараф қилишга қаратилган бўлиши керак.

Ветеринария врачлари тейлериоздан холи бўлмаган фермер хўжалигида хўжалик раҳбари билан биргаликда эпизоотик ҳолатни инобатга олган ҳолда фермер хўжалигидаги чорвачиликни ривожлантириш режасига ўзининг тейлериозга қарши чора-тадбирларини ҳам киритади.

Умумхўжалик тадбирлари: Тейлериознинг олдини олишда асосий эътибор мустаҳкам ем-хашак базасини яратишга қаратилади. Бундай тадбир тўрт фаслга ҳам мос бўлиши лозим. Қиш фаслида қорамолларнинг тўлик рацион билан, яхши шароитда боқилиши баҳор фаслида қорамолларни ўрта семизликда бўлишига олиб келади. Шундай тадбирларни амалга оширилганда, қорамоллар организмининг инвазион касалликларга қарши курашиш қобиляти юқори даражада бўлади.

Махсус тадбирлар: Тейлериозни тарқатувчи каналарга қарши кураш, уларнинг биологик ва экологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда олиб борилиши лозим. Олдин эслатганимиздек касаллик тарқатувчи каналар молхоналарда, молларда ҳамда яйловларда яшаб ўз ривожини топиши мумкин. Шунинг учун каналарга қарши курашишда акарицид препаратларини қўллаш ва молхоналарнинг санитария ҳолатини яхшилаш тадбирларини доимий равишда ўтказиш лозим.

Кимёпрофилактика: Кейинги йилларда тейлериоздан холи бўлмаган хўжаликларда кимёпрофилактика усуллари ишлаб чиқиш борасида катта изланишлар олиб борилди ва эътиборга лойиқ илмий-тадқиқот ишлар натижасида куйидаги тавсиялар килинди:

Тейлериоздан холи бўлмаган хўжаликларда апрель ойидан октябрь ойигача ҳар 15 кунда бир марта молнинг 100 кг тана вазни ҳисобига 5,0 мл полиамидин-п препаратини тери остига юбориб туриш тавсия этилади.

Махсус профилактика: Тейлериозга қарши суюқ культурал вакцина молларнинг лимфод ва ички орган хужайраларидаги тейлерияларнинг шизогонал босқичини сунъий озика муҳитларида ўстириш эвазига тайёрланган ва у совуқ муҳитда (криоген усулида) муҳофазаланган хужайралар массасидан иборат. Вакцина герметик ёпиқ ампулаларга жойлаштирилган бўлиб, доқа ўрамларига ўралиб, суюқ азот солинган дьюар идишида (-196°C) сақланади.

Ишлатиш олдидан вакцина солинган ўрама дьюар идишидан чиқариб олинади ва ўрамадан ишлатиш учун зарур миқдордаги ампулалар чиқариб олиниб 2-3 дақиқа давомида 38°C - 40°C даги сув ваннасида эритилади.

Вакцина солинган ампулалар эритилгандан сўнг ундаги вакцина шприц билан сўриб олинади ва шприц ёрдамида эритувчи моддаси бўлган флаконга солинади ва молни териси остига 1 мл дан қўлланилади.

Тейлериозни даволаш.

Тейлериозни даволашда қуйидаги комплекс чора-тадбирларни қўллаш тавсия этилади:

- даволашнинг 1-3 кунлари эрталаб молнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 2 мг микдорида диамидин тери остига ва шундан 6-8 соат кейин сульфантролнинг 3%-лик сувдаги эритмасидан кунига бир мартадан 2-3 кун давомида молнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 100 мл микдорда вена қон томирига юборилади. Агар ўша 3%-лик эритма 33%-лик этил спиртида тайёрланиб қўлланилса самарадорлиги юқори бўлади.

- даволашнинг 1-3 кунлари молнинг ҳар 1 кг тирик вазни ҳисобига 2 мг микдорида диамидин ва 5-6 кун давомида молнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 6 таблеткадан (1,5 гр) делагил сув билан ичирилади.

- тейлериозни даволашда 1-3 кунлари эрталаб молнинг 1 кг тана вазни ҳисобига 4 мг/кг микдорида ўзбикарб (ўзбикарбнинг 4%-лик сувдаги эритмасидан молнинг 100 кг тана вазни ҳисобига 10 млдан тери остига) ва кечки пайт 5-6 кун давомида молнинг 100 кг тана вазни ҳисобига 6 таблеткадан (1,5 гр) делагил сув билан ичирилади;

- тейлериозни даволашда Саудия Арабистонида ишлаб чиқарилган Butachem ёки Theilex препаратларининг биридан даволашни 1-3 кунлари молнинг 100 кг тана вазни ҳисобига 5,0 млдан мушаги орасига қўлланилади;

- Adjanta pharma limited фирмаси томонидан Хиндистонда ишлаб чиқарилган Virascon ёки Telemaks препаратларининг биридан даволашни 1-3 кунлари молнинг 100 кг тирик вазни ҳисобига 5,0 мл дан мушаги орасига қўлланилади.

- тейлериозни даволашда Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигида ишлаб чиқарилган Бупачек препаратининг ҳар 100 кг тирик оғирлигига кунаро 2 марта 5мл дан мушаги орасига қўлланилади.

Тейлериоз билан касалланган молларни даволашда юқорида келтирилган махсус препаратларни қўллаш билан бир вақтда симптоматик ва гемопозтик доривор моддаларни (глюкозанинг 5%-лик эритмасидан молни 100 тана вазни ҳисобига 100 млдан вена қон томирига, кофеин бензоат натрийнинг 20% лик эритмасидан 10-20 мл дан териси остига, ҳамда диссољ, трисољ препаратларининг бирортасидан вена қон томирига 400 мл гача юборилади. Оғиз орқали 200 мл гача балик ёғи ичирилади. Гемапоззни кучайтирувчи витамин В12 препаратидан 500-1000 мкг гача ёки ферропирин, тривит препаратларининг бирортасидан молнинг 100 кг тана вазни ҳисобига 20,0 млдан мушаги орасига) қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса. Қорамолларнинг тейлериоз касалликларига қарши олиб борилган даволаш-профилактика чора-тадбирлари замонавий услуб воситаларга асосланган бўлиб уни ветеринария амалиётига жорий қилиш

натijasida чорвачилик хўжаликларини қон-паразитар касалликлардан соғломлаштиришга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Имомов Н. Тейлериозни даволашда Butachem ва Theilex препаратларининг самарадорлиги. “Зооветеринария” журнали. № 12, 2010 й., 22-24-б.
2. Гафуров А.Ф., Мавланов С.И. Қорамолларни тейлериоздан асраш. “Ўзбекистан қишлоқ хўжалиги” журнали, № 6, 2012 й., 9-10 б.
3. Гафуров А.Ф., Расулов У.И., Дўскулов В. Қорамолларни қон-паразитар касалликларидан асраш. “Зооветеринария” журнали. № 3, 2013 й., 21-24-б.
4. Гафуров А.Ф., Дўскулов В. Новое в терапии и профилактике пироплазмозов крс. “Зооветеринария”, журнали. № 4, 2013 й., 21-б.
5. Юнусов Х.Б., Ибрагимов Ф.Б., Дўскулов В.М. “Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш давр-талаби”. “Озиқ-овқат маҳсулотларни хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб вазифалари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2023 й, 18-апрел. 3-7-б.